

**ЎЗБЕКИСТОНДА КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА АҲОЛИНИ ОЗИҚ- ОВҚАТ
БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН
ИШЛАР ТАҲЛИЛИ**

Норматов Бобур

“Халқаро иқтисодиёт ва менежмент”

йўналиши магистранти

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола доирасида бутун дунёда ва Ўзбекистонда аҳолини озиқ-оқват маҳсулотлари билан таъминлаш жараёнининг бориши, бу борадаги ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган ишлар ва уларнинг истиқболлари муҳокама қилинганд. Ҳозирги пандемия шароитида жиҳдий муаммолардан бирига айланган озиқ-овқат масаласи доимий эътиборни талаб қиласидиган масалалардан биридир.

Калим сўзлар: озиқ-овқат муаммоси, озиқ-овқат танқислиги, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, Мингийиллик ривожланиши мақсадлари, 2015-2030- йилларга мўлжалланган Барқарор ривожланиши мақсадлари.

Мамлакатимизда аҳолининг муҳим истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжлари тўлиқ қондирилиши баробарида, турфа хилдаги ноз неъматлар экспорт қилинмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга ошириладиган кенг кўламли ислоҳотларнинг бекиёс самарасидир.

Ўзбекистон 2015 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотига аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини

таъминлаш соҳасида Мингийиллик ривожланиш мақсадларига эришгани [1] учун бериладиган мукофотга сазовор бўлган 14 давлатдан бири бўлгани бу борадаги ишлар самараларининг ёрқин ифодасидир. Мамлакатимизда бу борада олиб борилаётган ишларни давом эттирган ҳолда эндиликда БМТ томонидан илгари сурилган ва 2015-2030-йилларга мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари [2] доирасида ҳам бир қатор салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Озиқ-овқат саноатини ривожлантиришда инновацияларнинг қўлланиши мухим аҳамиятга эга. Юртимизда қишлоқ хўжалик соҳасида таркибий ўзгаришлар чуқурлаштирилиб, озиқ-овқат экинлари экиласидиган майдонлар босқичма-босқич кенгайтирилмоқда. Амалиётга илғор агротехнологиялар жалб этилиб, интенсив боғлар барпо қилинмоқда. Фермерлик ва тадбиркорлик ҳаракати ҳар томонлама қўллаб-куватланаётганлиги, амалиётга интенсив агротехнологиялар, инновацион ишланмалар изчил тадбиқ этилаётгани туфайли маҳсулот етиштириш ҳажми тобора ортиб, қайта ишлаш саноати тараққий этмоқда. Бунда “Ўзбекистон Республикасида 2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича дастурий чора тадбирлари тўғрисида”ти қарор [3] мухим омил бўлмоқда. Мамлакатимизда озиқ-овқат саноати соҳасида эишилаётган муваффақиятлар чет эллик инвесторлар, йирик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш компанияларининг юртимизга бўлган қизиқишини тобора ошириб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2016 йил 1 июндаги “Халқаро мева-сабзавот ярмаркасини ташкил этиш ва уни ҳар йили ўтказиб туриш чора-тадбирлари тўғрисида”ти қарорига асосан 2016 йилнинг 8 ноябрида “Ўзэкспомарказ”да I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси ўз ишини бошлади. Халқаро мутахассисларнинг эътирофича, юртимизда етиштирилаётган мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари сархиллиги, хуштаъмлиги, энг асосийси, фойдали ва тўйимлилиги билан минтақа ва жаҳон бозорида жуда харидоргир. Шунинг учун ҳам саховатли ўзбек заминида етиштириладиган мева ва сабзавотлар юқори нуфузга эга бўлган товар белгисига айланиб, бу

маҳсулотларни сотиб оладиган мамлакатларда улар юксак рақобатбардошлиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон ўриқ, олхўри, узум, ёнғоқ ва бошқа қўплаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортга чиқариш ҳажми бўйича дунёда етакчи ўнта давлатдан биридир. Ярмаркада Белорусь Республикаси, Германия, Ҳиндистон, Қозогистон, Хитой, Голландия, Польша, Россия, Туркия сингари бир қатор мамлакатларнинг 70 дан ортиқ компанияларининг қатнашганлигини мисол келтириш мумкин. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар қишлоқ хўжалигини тубдан диверсификация қилиш ҳамда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга қаратилган. Етиштирилаётган мева-сабзавотларни халқаро бозордаги юксак рақобатбардошлигини ошириш мақсадида инновациялар ва замонавий технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш юзасидан қўйидаги таклифларни бериш мақсадга мувофиқдир:

- Агар соҳанинг турли тармоқлари: пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, мева-сабзавотчилик ва боғдорчилик, селекция ва уруғчилик, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва кимёлаштириш, сув ва тупроқ ресурсларидан самарали фойдаланиш ва бошқалар бўйича олий таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг инновацион корпоратив ҳамкорлигини янада такомиллаштириш;
- қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатини модернизациялаш;
- қишлоқларда электр энергия узлусизлигини таъминлаш ва янги технологияларни жалб этиш;
- қишлоқ хўжалиги саноатида шу бугунги кун талабига жавоб берса оладиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кескин ошириш.

Ўзбекистонда шаклланган сабзавотчилик ва боғдорчилик маданияти азалдан маҳаллий ўғитлардан фойдаланишни кўзда тутадиган биологик дехқончилик принципларига асосланган. Бу генларни модификация қилиш технологияларини қўлламасдан, жуда мазали таъмга ва хусусиятларга эга бўлган экологик тоза мева ва сабзавотлар етиштириш имконини беради.

Озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакат аҳолисининг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли даражада ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда таъминланишини, импортга боғлиқликни минимум даражасига эришишни ифодалайди.

Ҳар бир мамлакат аграр сектори ислоҳотидан кўзланган бош мақсад, озиқ-овқат таъминоти мустақиллигига эришиш бўлиб, бу катта ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этади. Ўзини-ўзи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш зарурияти мамлакатда мустақиллик, иқтисодий хавфсизлик ва ижтимоий барқарорликни сақлаб қолиш шартларидан бири ҳисобланади.

Агро озиқ-овқат бозорини ривожлантириш ва аҳолини ўз шахсий ишлаб чиқариши ҳисобига асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, ҳар бир инсон учун уларга жисмоний ва иқтисодий эга бўлиш имконияти асосий муаммолардан бирига айланмоқда ва унинг назарий асосларини истиқболда ривожлантириш кун тартибига қўйилмоқда.

“Агро озиқ-овқат” бозори атамаси остида учта таркибий қисм бирлиги мавжудлигини тушуниш лозим: биринчидан, қишлоқ хўжалик маҳсулоти, хомашёси ва озиқ-овқати ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчилари ўртасидаги ўзига хос механизм мавжуд. Бунда иқтисодий фаолият ориентирлари бўлиб маҳсулот нархлари хизмат қиласи; иккинчидан, бозор механизми, бозор инфратузилмаси, жамиятнинг муайян демократик ижтимоий-иқтисодий асосларини назарда тутадиган, ҳамда давлат томонидан тартибга солишга йўналтирилган аграр сиёсатини таҳмин қиласидан ижтимоий-иқтисодий тизим; учинчидан, қишлоқ хўжалик маҳсулоти, хомашёси ва озиқ-овқатини олди-сотди ҳаракатлари бевосита амалга ошириладиган макон.

Мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат таъминоти аграр ишлаб чиқариш соҳасидаги оқилона меҳнат тақсимоти ва АСМ халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этишга, таклифда маҳаллий ва импорт маҳсулоти бирикмасига, озиқ-овқат маҳсулотларининг хусусий савдосида ҳеч қандай тўсиқлар йўқлигига, ҳамда самарали ташқи савдо сиёсатига асосланган бўлиши лозим.

Мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда, унинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувида ички ва ташқи транспорт-йўл ва алоқа коммуникациялари тизимининг яратилиш оқибатида транспорт-йўл ва алоқа коммуникациялар хавфсизлиги таъминланади.

Иқтисодий хавфсизлик турларининг моҳиятини, вужудга келиш сабабларини ўрганиш, миллий манфаатларга таҳдидларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва улардан муҳофазаланиш чора-тадбирларини, механизмларини ишлаб чиқиши ҳамда вужудга келтиришга имкон беради. Бунинг учун ушбу хавфхатарларни ва хавфсизлик даражасини аниқлаш, уларнинг кўрсаткич ва мезонларини ўрганиш лозим бўлади.

Иқтисодий хавфсизликнинг умумий кўрсаткичлари қўйидагилардан иборат:

- аҳоли турмуш даражаси;
- иқтисодий ўсиш, бюджет тақчиллиги;
- давлат қарзи, жаҳон иқтисодиётига кириб борганлик;
- мулк таркиби, солиқ тизими ва бозор инфратузилмаларининг ривожланиши. Ҳудудий даражада умумий омиллардан ташқари қўйидаги омиллар иқтисодий хавфсизликни ифодалайди:

- аҳоли дарамадлари;
- чакана нархлар даражаси;
- уй-жой билан таъминланганлик;
- қочоқлар, эмигрантлар ва бошқалар сони;
- ҳудуднинг мамлакат ЯИМ даги улуши;
- ҳудуднинг тўлов баланси, экспорт-импорт сальдоси.

Жаҳон озиқ-овқат бозори барқарорсизлигининг асосий сабаблари ичидан қўйидагиларни алоҳида ажратиш мумкин:

- қишлоқ хўжалиги ривожланишининг экологик-иқлим шароитлари ёмонлашуви;

– Хитой, Ҳиндистон ва бошқа нисбатан юқори аҳоли сонига эга бўлган мамлакатлар томонидан озиқ-овқатга бўлган талабнинг кескин ошиши;

– қишлоқ хўжалик экинларининг айрим турларидан биоёнилғи олиш учун фойдаланишнинг кенгайиши ва б.

Экспертлар фикрича, бутун дунё бўйлаб яқин 2-3 йил мобайнида асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи юқори даражада қолишини прогноз қилмоқда. Буғдой, гуруч, шакар жаҳон нархлари даражаси 2015 йилда ҳам, уларнинг 2005 йилдаги даражасидан юқори бўлиб қолди.

Жанубий-Шарқий Осиё минтақасининг динамик тарзда ривожланаётган мамлакатларидаги тез ўсиб бораётган талаб, истиқболда жаҳон бозори ресурслари ҳисобига қондирилади, бу ҳам озиқ-овқатнинг жаҳон нархлари ўсишига ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Масалан, жаҳондаги ҳайдаладиган ерларнинг атиги 7 фоизи Хитойга тўғри келади, у эса жаҳон аҳолисининг 22 фоизини ташкил қиладиган ўз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаши лозим.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, мамлакат озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлашда мамлакат аҳолиси истеъмолидаги импорт улушини критик қийматдан пастда ушлаб туриш муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро эксперталар баҳолари бўйича, агарда аҳоли истеъмолидаги озиқ-овқатларда импорт улушки 30-35 фоиздан ошмайдиган бўлса, мамлакат ўз озиқ-овқат мустақиллигини доимий сақлаб тура олади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги мураккаб даврда ҳар бир давлат ўз аҳолисини етарлича озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш чоратадбирларини қўрмоқда ва бу йўлда астойдил ҳаракат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳам жаҳондаги бир қатор муаммоли вазиятларга қарамасдан ўз ички имкониятлари ва салоҳиятидан келиб чиқиб, ўз аҳолисини сифатли ва арzon озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича тизимли ишларни олиб бораётганлигини эътироф этишимиз ва ҳукуматимизнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари келгусида ҳам давом эттирилишини таъкидлашимиз лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 январдаги 21-сонли “Ўзбекистонда БМТнинг Минг ишллик ривожланниши мақсадларини амалга оширишининг қўшимча чоралари ҳақида”ги қарори. // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. 2011 й.
2. Цели в области устойчивого развития 2015-2030. Организация Объединённых Наций. <https://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/sustainable-development-goals/>
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги 2016 йилнинг тўққиз ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириши якунлари тўғрисидаги маъруза // Халқ сўзи, 2016 йил 21 октябрь.